



1817 йил 12 майда генерал А. П. Ермолов (Жорд Доу) Терек дарёсидан ўтиб харбий ҳаракат бошлади. Рус қўшини уч йил давомида каттик қаршилик кўрсатган чечен бўлинмаларини тоғларга сиқиб чиқарди.

1819-1821 йилларда Кавказ корпусига айлантирилган Қора денгиз казаклар қўшини (40 минг киши) Догистонда харбий ҳаракатлар олиб борди ва бир қанча маҳаллий ҳукмдорлар бўйсундирилди.

1825 йил 8 июлда чеченлар рус босқинчиларига қарши халқ кўзғолони бошлашди. Улар Амиражуртни олишди ва Герзел истехкомини эгаллашга ҳаракат қилишди. 15 июлда генерал-лейтенант Лисаневич истехкомни топширди, эртаси 16 июлда эса Лисаневич ва генерал Греков чеченлар томонидан ўлдирилди. Кўзғолон 1826 йилдагина бостирилди.

1828 йил декабрда Кози Мулла имом деб эълон қилинди. У Шарқий Кавказ халқларини Россияга қарши газавот қилишга чақирди. Лекин руслар турклар билан урушни тўхтатиб минтақага қўшимча қучларни юборишгач 1832 йилда кўзғолон бостирилди. Кози Мулла

жангда ўлдирилгандан сўнг 1832 йил 17 октябрда Хамзатбек янги имом деб эълон килинди. У Тогли Догистондаги барча халкларни ўзига бўйсундирди, 1834 йилда аварларга хужум килди ва Хунзахни ишгол килди. Лекин у орадан кўп ўтмай 1834 йил 19 сентябрда ўлдирилди.

1834 йил 24 сентябрда Шомил имом деб эълон килинди. 1837 йили Хунзахни руслар истило килди. Руслар Шомилнинг таянч маркази хисобланган Ахульго калъасини 1839 йил 22 августда босиб олишди. Шомил эса кочишга муваффақ бўлди. Шомил русларга қарши урушни яна узок йиллар давом эттирди. Русларга қарши 20 йилдан ошиқроқ кураш олиб борган Шомил 1859 йил 6 сентябр куни Гуниб тоғида асирга олинди.

Руслар 1859-1864 йилларда черкесларни бўйсундиришди. Харбий ҳаракатлар давомида ўн минглаб черкес халклари ҳалок бўлишди, шунингдек ўн минглаб черкеслар ўз ватанларини ташлаб кетишга мажбур бўлишди.

"ШАРКНИНГ МАШХУР СУЛОЛАЛАРИ" китобидан